Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 31 май, шанба • № 43 (10.921) • Эркин нархда сотилади

ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИ

*«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** номли китобини ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди.*

Мазкур китоб давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари таҳлилига бағишланган.

Китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғаймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар ҳар томонлама изчил таҳлил қилинади.

«Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган иккинчи бобда эса истиқлол йилларида Ўзбекистонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Жумладан, миллий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши, юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши, мамлакатимизнинг жўғрофий-стратегик имкониятлари ва табиий-хомашё ресурслари, инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, жамиятимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масалалари бугун оламда рўй бераётган мураккаб ва жўшқин жараёнлар билан бевосита узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.

Бу китобда муҳокамага қўйилган мавзунинг ўзи -- яъни, хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш масаласи моҳият эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мазмуни, айтиш мумкинки, пировард ва олий мақсадидир.

Китобда ана шу улуғ мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидлар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан ёритилган. Бу муаммо ва таҳдидларни аниқ тушуниш эса жамиятни бирлаштиради, жипслаштиради, ҳар бир кишига ўзининг масъулиятини, ўз ўлкаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга дахлдорлигини пухта идрок этиш, янада теранроқ англаш имконини беради.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: *воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

«ПИЛЛА —97»

МАВСУМ МЕЗОНИ — СИФАТ

Вилоят пиллачилик бирлашмасининг бош ҳосилоти АБДУРАҲИМ АЗИЗОВ шундай хабар беради:

Кеча вилоятимиз пиллакорлари туманлардаги бош пиллахоналарга режанинг 9,5 фоизи ёки 90 тонна юқори сифатли ҳосил топширдилар. Мавсум бошидан бери хўжаликлардан жами 678 тонна пилла қабул қилиб олинди.

ЎРТАЧИРЧИҚ МАРРАГА ЕТДИ

Туман пиллакорлари бу йил 2370 қути ипак қурти боқиб, 90 тонна ўрнига 94 тонна юқори сифатли ҳосил топшириб, вилоятда биринчи бўлиб режани уддалашди. Илғор пиллакорлар ҳар бир қути қурт уруғидан 53 килограммдан ҳосил териб олдилар.

Туманда биринчи бўлиб Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги маррани эгаллади. Бу ерда 4,5 тонна ўрнига 6,5 тонна пилла топширилди.

Охунбобоев номли, «Гулистон», «Янги тўлқин», «Ҳақиқат», «Истиқбол» жамоа хўжаликлари ҳам режага қўшимча ҳосил топширмоқдалар. Туман пиллакорлари яна 10 тонна ҳосил олишмоқчи.

БЕКОБОДЛИКЛАР ЖАДАЛ

Туман пиллакорлари ҳосил топширишни кунига 20 тоннага чиқардилар. Бош пиллахонага жами 100 тонна сифатли пилла ҳосили етказиб берилди. Марра эса — 130 тонна. «Хос», Улуғбек номли, Ойбек номли, «Навбаҳор», «Фарҳод» жамоа хўжаликлари режани бажарганликлари тўғрисида хушхабар йўлладилар.

Янгийўл тумани пиллакорлари ҳам марра сари одим ташламоқдалар. Чиноз тумани хўжаликлари эса кундалик пилла ҳосили териш ва топширишда юқори ўринга чиқдилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

Суратда: *Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалигининг илғор пиллакорлари Мукаррам Жўраева ва Зулайҳо Аҳмедова етиштирилган ҳосилни саралямоқдалар.*

ЛОЙИҲА ҚУВВАТИГА ЕТЯПТИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ «Биокимё» акционерлик жамиятига қарашли этил спирти ишлаб чиқарадиган цех ишга тушганига бир йил бўляпти. Тез кунлар ичида лойиҳа қувватлари тўла ўзлаштирилиб, йилига 915 минг декалитр спирт ишлаб чиқарадиган бўлади. Корхона маҳсулотлари асосан озиқ-овқат ва ароқ ҳамда дори-дармонлар тайёрлаш учун ишлатилади. Шу сабабли бу ерда маҳсулот миқдори билан бирга сифат ҳам асосий мезон қилиб белгиланган.

Цехдаги ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари МДҲ мамлакатларидан келтирилган жиҳозлар ёрдамида бажариляпти. Бу ерда асосан ёшлар ишламоқда. Улар мураккаб ускуналарни ўрганибгина қолмай, уни ўзлари бошқариб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ИҚТИДОРЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

ВИЛОЯТ ўқитувчилар малака ошириш институтининг иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш лабораторияси ташкил этилганига тўрт йил тўлди. Ўтган вақт мобайнида унда ўнлаб ўқувчилар тест синовлари бўйича билим кўригидан ўтдилар.

Энг қорасиларидан бир неча билиятлилар АҚШнинг «Акселс» ташкилоти ҳамкорлигида хорижий мамлакатлардаги ўрта мактабларда ўқиб қайтдилар. Улар орасида «Акселс» энг ибратли ўқувчилар деб тан олган чирчиқлик Алишер Абдураҳмонов, ангренлик Абдуваққос Абдураҳмонов, Бўстонлиқ туманидан Зарина Исмоиловалар ҳам бор.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

ФЕРМЕР ДЎКОН ВА ЧОЙХОНА ҚУРЯПТИ

ҚИБРАЙ туманидаги «Солиҳ» фермер хўжалиги иш бошлаганида 25 бош қорамолга эга эди. Ҳозир фермада 105 бош қорамол бор. Бунинг 25 боши соғин сигирлардир. Ўтган йили ишбилармон Ш. Хаитов бошлиқ чорвадорлар 60 тонна сут ва 5,5 тонна гўшт етиштиришди. Бу йилги режалари 100 тонна сут ва 8 тонна гўшт ишлаб чиқариш.

Фермер айни кунларда ўз даромади ҳисобидан туманнинг «Турон» жамоа хўжалигидаги Ўнқўрғон қишлоғида савдо дўкони ва чойхона қурилишини бошлаб юборди.

Сайдали МИРЗАЛИЕВ.

---

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ЖАЖЖИ ДИЛЛАР ҚУВОНЧИ

Инсон борки, ҳамиша болаликнинг беғубор ва тотли лаҳзаларини соғиниб яшайди. Пок қалбларнинг сеҳрли оламига ошна бўлган қишигина болалигини яна бир бор кўргандек бўлади.

Куни кеча вилоят болалар жамғармаси ташаббуси билан Республика қўғирчоқ театрида бўлиб ўтган тадбир Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди. Республика болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова болаларни байрам билан қутлади. Вилоят болалар жамғармаси раиси Хушноза Арслонова, жамоатчилик асосида ишлайдиган хотин-қизлар ташкилоти раҳбари Маҳбуба Эргашева, вилоят хотин-қизлар қўмитаси бўлим мудири Мастура Шокирова кичкинтойларга совға-саломлар улашдилар.

Болалар шу куни қўғирчоқ театрининг музейини ҳам томоша қилдилар. Уларнинг юзидаги қувонч шунчалар беғубор эдики, беихтиёр биз ҳам болаликнинг сеҳрли оламига кириб қолгандек бўлдик. Биз шу ерда Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими балоғатга етмаганларни васийлик ва ҳомийлик ҳуқуқи ҳимояси бўйича инспектори Зарифа Баҳодирова билан суҳбатлашдик.

— Бугунги тадбирда 38 нафар ёш оҳангаронликлар қатнашмоқдалар. Бўлимимиз, асосан, ота-онасиз қолган етим болалар билан иш олиб боради. Бундай болаларга яқиндан ёрдам бериш, меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг асосий вазифамиздир. Ёз фасли келиши билан болажонларимиздан 35 нафариґа сўлим оромгоҳларда хордиқ чиқаришлари учун йўлланмалар бердик. 9-синфни тугаллаган болаларнинг 3 нафари ҳозир ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўришяпти. Байрамларда турли қизиқарли тадбирлар, кечалар уюштираяпмиз. Янги ўқув йили олдидан болажонларимизни китоб, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаймиз. Хуллас, уларга қўлимиздан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Шу куни қўғирчоқ театри жамоаси тайёрлаган «Карвонсарой» томошаси болаларга жуда ёқди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Суратда: Байрам тантаналарида қатнашган оҳангаронлик кичкинтойлар.

***Даврон АҲМАД** суратлари.*

ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

Инсон манфаатлари йилида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланаётган ишбилармонларга яна бир катта қулайлик яратилди. «Бизнес-Фонд» томонидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларга ажратилган кредит маблағларининг тўлаш муддатларини чўзиш ва устама фоизларни 1 фоиздан 10 фоизгача камайтиришга қарор қилинди. Шу ҳақда Ўзбекистон Республикаси «Бизнес-Фонд» бошқаруви, «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўзтадбиркорбанк» бошқарувининг биргаликда буйруғи чиққан эди.

Ушбу ҳужжатни уни амалга ошириш бўйича вилоятимизда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ ўз мажлисида юзга яқин хусусий тадбиркор ва кичик бизнес вакилларининг аризаларини кўриб чиқди.

Текширишлар уларнинг аксарият кўпчилиги «Бизнес-фонд»дан олган кредитларини белгиланган мақсад йўлида омилкорлик билан ишлатаётганликларини, кредит ва унинг устама фоизларини вақтида тўлаётганликларини кўрсатди. Айни вақтда айрим тадбиркорлик тизимлари раҳбарлари кредит олишда тузилган ўзаро шартномаларга амал қилмаётганликлари ва фоизларини белгиланган муддатда қайтармаётганликлари ҳам аниқланди.

Ишчи гуруҳининг ҳар бир тадбиркор фаолияти бўйича хулосаси молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар бўйича ажратилган кредит маблағларининг устама фоизларини қайта кўриб чиқишни мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг биринчи йиғилишида олдиндан муҳокама қилинди. Унда тадбиркорларнинг ўзлари ҳам қатнашдилар ва кўрилаётган масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қисқаси, тадбиркорликнинг уддасидан муваффақиятли чиқаётган ҳар бир ишбилармон янги имтиёзлардан, албатта, баҳраманд бўлади.

М. МАҲМУДОВ.

ЮБИЛЕЙГА ТУҲФА

Июнь ойида ЮНЕСКОнинг Франция пойтахти Париж шаҳридаги қароргоҳида қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Мамлакатимиз вазирликлари, корхоналари, уюшмалари, ижодий ташкилотлар жаҳон миқёсида ўтадиган мазкур анжуманга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Зеро, бу тантаналар муборак заминимиз саҳовати, ватанимиз салоҳияти, бетакрор санъатимиз ва ноёб осори атиқаларимизнинг ёрқин намойишига айланади.

Ана шу мақсадда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида тайёрланаётган махсус юбилей альбомларини шаҳарларимиз тўйига муносиб тўёна дейиш мумкин.

«Бухоро — шарқ дурдонаси», «Хева — минг гумбаз шаҳри» деб аталган рангли китобларда кўҳна шаҳарларнинг тарихий обидалари, қадимий қўлёзмалар, археологик топилмалар, халқ ҳунармандчилиги намуналари, миллий урф-одат ва маросимларимиз, ўлкамизнинг бетакрор табиат манзаралари акс эттирилган. Миллий мусиқа ва рақс санъати, шаҳарларнинг бугунги ҳаётини намойиш этувчи фотосуратлар жамланган. Китобларнинг илмий мантларини тайёрлаш, фотосуратларни саралашда таниқли олимлар — А. Муҳаммаджонов, А. Ҳакимов, А. Аҳмедов, Э. Ртвеладзе муҳаррирлик қилмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек, инглиз, француз ва рус тилларида чоп этиладиган бу альбомларнинг француз тилидаги бир минг нусхаси Парижда ўтадиган тантаналар арафасида қисқа муддатда босмадан чиқди. Қолганларини эса Париждаги тантаналар ҳақидаги лавҳаларни ҳам қўшиб чоп этиш режалаштирилмоқда.

— Бундай тезкорликка аввало, ишни янгича ташкил этиш, замонавий технологиялар имкониятидан самарали фойдаланиш орқали эришилди, — дейди концерн бош директори Ислом Шоғуломов. — Фотограф, рассом, олим, муҳаррир ва босмахона ходимлари ўртасида узлуксиз ижодий жараён йўлга қўйилганлиги боис, тайёр бўлган материаллар пешма-пеш таҳрир қилинди ва чоп этиб борилди. Фотосуратларни қайта ишлаш масалаларида германиялик мутахассислар тажрибасидан фойдаланилди.

Матбаачиликнинг юксак талаблари даражасида нашр этилган бу альбомлар юртимизнинг бетакрор кўрку тароватини, халқимизнинг очиқ қалбини жаҳон аҳли нигоҳида яна бир карра намойиш этади, деган умиддамиз.

Бехзод УСМОН, ЎзА мухбири.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ САБОҚЛАРИ

ҲУРМАТЛИ таҳририят! Республикамиз Президентининг шу йил 20 май куни давлатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувини телевизор орқали кўрдик. Кейин газеталарда ўқидик. Дарҳақиқат, юртбошимизнинг ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини яхши билиши, бу ҳуқуқни таъминлашда Ўзбекистон дунёдаги ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак, деган фикрлари дилимиздаги айни гаплар бўлди. Зеро, ўз ҳуқуқини билган одам яратилган қонунлардан тўлиқ фойдалана олади.

Ана шу фикрларимни баён этар эканман, «Тошкент ҳақиқати»га ҳам илтимосим бор. Яқинда республика Олий Мажлиси сессиясида «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисида»ги қонун ҳам тасдиқланди. Бу қонуннинг мазмуни, моҳияти, келиб чиқиши хусусида кенгроқ маълумот берсангиз.

Йўлчи АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент Давлат техника университети ўқитувчиси.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти кўп сонли газетхонлардан келаётган мактубларни эътиборга олиб бугундан бошлаб учрашув чоғидаги фикр-мулоҳазалар, талаблардан келиб чиқиб, газета саҳифаларида «Ҳуқуқий билим сабоқлари» рукни остида турли мақолалар, ахборотлар бериб боришни режалаштирди. Бу йўналишдаги мақолалар Тошкент Давлат юридик институти доценти **Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ** ҳомийлигида ёритиб борилади.

Бугун «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисида»ги қонун хусусида тушунча берилади.

ОМБУДСМАН КИМ ЎЗИ?

ШУНИ айтиш керакки, мазкур қонуннинг номиёқ мамлакатимизда демократик тамойилларни рўёбга чиқаришга қаратилганлигини ифодалаб турипти. Жаҳон ҳуқуқий амалиётида салкам 200 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган инсон ҳуқуқлари бўйича вакилликнинг юзага келиши нафақат турли халқлар, балки ҳар бир фуқаро манфаатини кўзлаб иш юритишда давлат ҳамда жамият учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, Республика Олий Мажлисининг сессиясида «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг депутатлар томонидан тасдиқланишини давлатимиз демократлашувидаги дадил қадам деб тушунмоқ керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил турли мамлакатларда ҳар хил: «омбудсман», «проведор», «медиатор» каби номлар билан юритилади. Лекин кўпчилик давлатларда унинг умумлаштирилган номи «омбудсман» деб қабул қилинган. Биринчи марта бу лавозим 1809 йилда Швецияда жорий этилган бўлиб, «парламент омбудсман»и деб аталган. Эндиликда у дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида шу ном билан фаолият кўрсатмоқда. Бу сўз луғавий жиҳатдан «маълум манфаатлар ифодачиси» деган маънони билдиради.

Омбудсманнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Кўпчилик биринчи Швецияда пайдо бўлган деса, бошқалар ўзга шаҳарларни айтишади. Аммо тарихий манбалар у Шарқ ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, араб халифалигида, Амир Темур давлатида, усмонийлар салтанатида шундай мансаб эгалари бўлган мухтасиблар фуқароларнинг давлат амалдорлари устидан ёзган хатларини ўрганиш билан шуғулланганлар.

Шуни айтиш керакки,омбудсман мақомининг энг муҳим жиҳати унинг мустақиллигидир. Назорат вазифаларини у ўз ташаббусига кўра ва фуқароларнинг талаб ҳамда шикоятларига мувофиқ амалга оширади. Аҳолига хизмат кўрсатишда бепуллиги, амалийлиги билан эътиборга лойиқдир. Омбудсманнинг ҳуқуқий мақоми Конституция ва парламентнинг махсус ҳуқуқий ҳужжати билан белгиланади. Одатда парламент томонидан унинг ваколат муддати билан тенг муддатга сайланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида омбудсман ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамойилига кўра қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсундирилган ва унинг ёрдамчи таянчи ҳисобланади. Унинг кенг қамровли вазифалари, самарали фаолияти нуфузининг ортишига ва жамоатчилик томонидан тан олинишига олиб келди.

Инсон ҳуқуқлари вакилининг асосий иш услуби фуқаролардан келаётган шикоятларни текшириш ва ҳал қилишдир. У ўз вазифаларини бажаришда кенг ваколатларга эга. Керакли ҳужжатларни текшириш учун талаб қилиб олиш, улар билан танишиш, турли ҳаракатларнинг тўғрилигини текшириб кўриш, мансабдор шахслар ва фуқаролардан тушунтириш талаб қилиш ва бошқа вазифалар унинг иш доирасига киради. Лекин, омбудсман маъмурий идоралар қарорларини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолияти давомида фуқаро ҳуқуқларининг бузилиши каби ҳолларга дуч келса, унинг ҳаракатлари турлича бўлиши мумкин. Хусусан, конституциявий судга тақдимнома, тавсия, мурожаат, шикоят тайёрлаши, жиноий ишни очишга кўмаклашиши кабилар шулар жумласидандир. Ушбу янги институт ҳозирда мавжуд инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш лозимки, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг таъсис этилиши парламентимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги назоратини кучайтиради ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга республика парламенти томонидан қабул қилинган қонунларни халқаро ҳуқуқ, инсон манфаатлари ва адолат нуқтаи назаридан таҳлил этишга кенг имкон яратади.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан Алматида бўлади. Бу — давлатимиз бошлиғининг Қозоғистонга биринчи расмий ташрифидир, бинобарин ушбу ташриф билан боғлиқ барча маълумотлар Ўзбекистон жамоатчилигини қизиқтиришига шубҳа йўқ. Шу муносабат билан, биз Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Носиржон Ёқубовга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Носиржон Норович, Аввало, энг муҳими тўғрисида: Ислом Каримовнинг Алматига ташрифидан нималар кутилмоқда?

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистонга ташрифлари ҳамиша икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари билан боғлиқ бўлган. Маълумки, давлатларимиз ҳозир ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу даврнинг қийинчиликлари, аввало, шу билан изоҳланадики, жаҳон тажрибасида социалистик намунадаги тоталитар тузумдан бозор муносабатларига ўтиш ҳоллари кузатилмаган.

Иқтисодиёти эркин фаолиятга асосланган давлатлар ўртасидаги муносабатлар божхона иттифоқи, солиқ, ўзаро тўловлар ва шу каби бошқа жабҳалардаги ўзаро келишилган шартларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Бизнинг давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи эса, ўтиш даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар берган имкониятга қараб ҳал этилмоқда.

Бу хусусда Қозоғистон оммавий ахборот воситалари якдиллик билан Президент Ислом Каримовнинг Қозоғистонга биринчи расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади, демоқда.

— Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари қандай ривожланмоқда? Ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун, сизнингча, қайси соҳаларга эътиборни кучайтириш зарур?

— Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатларининг ривожи тўғрисида шуни айтиш керакки, бу муносабатлар икки қардош халқ тарихий ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқдир. Шугина эмас, қўшни мамлакатлар халқларининг дўст бўлиб яшаши ҳаёт қонуни бўлса керак. Чунки, бундай дўстлик, айниқса эскириб қолган иқтисодий муносабатлар бузиб ташланиб, барча қийинчиликларга қарамай, янгича муносабатлар ўрнатилаётган пайтда ўз-ўзидан вужудга келмайди. Халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлларининг қандайдир босқичларини белгилашга ҳаракат қиладиган бўлсак, биз ривожланган мамлакатлар деб аталган давлатларнинг тажрибасига мурожаат қилишимиз лозим. Яъни, аввало, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни имкон қадар мустаҳкамлаш талаб қилинади. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, хусусий корхоналар даражасидаги ўзаро савдо-сотиқ учун кенг имкониятлар яратиш лозим бўлади.

Бу масалаларнинг ўз ечимини топиши шубҳасиз, лекин бунинг учун ўзаро манфаатли иқтисодий интеграция йўналишидаги тараққиётнинг муайян босқичидан ўтиш керак. Бу йўналишда, айниқса, ягона иқтисодий маконнинг имкониятлари катта. Аста-секин тажриба орттириб бораётган бу макон келгусида мамлакатларимиз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришимиз тараққиёти йўналишларини белгилайдиган бўлиши лозим.

Чамаси, дарсликлар, ўқув дастурлари мазмуни ва тамойилларини бир-бирига яқинлаштириб, ягона иқтисодий макон доирасида халқ таълими маконини вужудга келтиришни ўйлайдиган вақт ҳам келди. Чунки, бу жараён пировардида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш учун зарур замин яратади.

— Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ягона иқтисодий маконга асос солган кунидан буён ўтган вақт мобайнида қандай ишлар амалга оширилди?

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси давлат раҳбарлари 1994 йилнинг 30 апрелида Чўлпонота шаҳрида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Шартномага аъзо давлатларнинг олий қонун чиқарувчи органлари томонидан тасдиқланган мазкур ҳужжат Марказий Осиёдаги уч давлат иқтисодий ҳамкорлиги учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

1994 йил 8 июлда Алматида шартномада иштирок этувчи давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига мос келадиган бир қанча асосий ҳужжатлар қабул қилинди, давлатлараро кенгаш ҳамда унинг доимий ишчи органи — қароргоҳи Алматида жойлашган давлатлараро ижроия қўмитаси ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки тузилди.

Давлатлараро кенгаш таркибида:

— Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари кенгаши;

— Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлари кенгаши;

— Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирлари кенгаши ишлаб турибди.

Давлатлараро ижроия қўмитаси мувофиқлаштириш-маслаҳатлашув, фаразий-таҳлилий, ахборот олиш ва узатиш вазифаларини бажармоқда, шунингдек давлатлараро кенгаш ва унинг тузилмалари томонидан қабул қилинган қарорлар, давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ва битимларнинг бажарилишини назорат қилиб бормоқда. Шартномада қатнашувчи давлатлар ҳукуматлараро мутахассислар гуруҳларининг иши мувофиқлаштириб турилибди.

Мунтазам равишда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари ўтказилмоқда.

Давлатлараро ижроия қўмитаси, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасидаги интеграциядан бевосита манфаатдор бўлган корхоналар ходимларининг учрашувлари, кенгашларини ҳам уюштирмоқда.

Давлатлараро кенгаш фаолияти даврида давлат бошлиқларининг ўнга яқин учрашуви, Бош вазирлар кенгашининг бешта мажлиси ўтказилди, бу учрашув ва кенгашларда уч давлат интеграцияси жараёнининг долзарб масалаларига тааллуқли муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Турли тармоқ вакилларининг йигирмадан ортиқ амалий учрашувлари ташкил этилди. Жумладан, Бишкекда енгил саноат ходимлари, Тошкентда агросаноат мажмуи ходимлари, Алмати, Бишкек, Тошкентда соғлиқни сақлаш ходимлари учрашуви, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси «ЎзДЭУавто» ишлаб чиқараётган автомобиллар учун бутловчи узеллар ва деталларга буюртмаларни мувофиқлаштириш юзасидан Қозоғистон ва Қирғизистондаги йирик саноат корхоналари раҳбарларининг учрашуви ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг 2000 йилгача бўлган дастури ҳамда биринчи навбатда амалга ошириладиган сармоявий лойиҳалар давлатлараро кенгаш фаолиятининг энг муҳим натижасидир. Мазкур дастур халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини қамраган бўлиб, 50 дан ортиқ лойиҳани ўз ичига олади. Дастурдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки орқали амалга оширилади.

Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ҳозирнинг ўзидаёқ электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш, Қозоғистонда табиий цеолит қазиб олиш ва қайта ишлаш, Қирғизистонда электр моторлар ҳамда газ сарфини ҳисоблайдиган асбоблар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларни маблағ билан таъминламоқда. Бу банкнинг Ўзбекистонда ҳам бир неча лойиҳани молиявий таъминлаши кутилмоқда.

Шартномада иштирок этувчи давлатлар электротехника саноати соҳасида меҳнат кооперацияси бошланди. Марказий Осиёда биринчи марта «Центразэлектрон» номли давлатлараро молия-саноат гуруҳи тузилди. Унга уч давлатдан ўттизга яқин корхона аъзо бўлиб кирган.

Анвар БОБОЕВ суҳбатлашди. (ЎзА).

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Галлакорлар эътиборига

ВИЛОЯТИМИЗ далаларида ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Уни нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш ва уни ёнғиндан сақлаш бугунги кунда муҳим вазифадир. Шунинг учун биз ўрим-йиғим даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишимиз керак.

Авваламбор техник воситаларни ёнғин чиқишга қарши тайёрлигини таъминлаш, ғалла майдонларига қаровуллар тайинланиши зарур. Улар фақат шунчаки қўриқчи эмас, балки ёнғин ҳолларида қандай ҳаракатланишни билишлари лозим. Шунингдек ҳайдовчилар, уларнинг ёрдамчилари, масъул ходимлар ҳам махсус ёнғин йўриқномалари билан танишишлари керак. Ушбу йўриқномадан бехабар ходимлар йиғим-терим ишларида қатнашиши ман қилинади.

Ғалла майдонлари бир комбайннинг иш куни давомида ўриб олиш қуввати ҳисобидаги пайкалларга ажратилиб, у жой саккиз метр кенгликда ўриб олиниб, сўнг шудгорланиши керак. Автомобил ва темир йўллари билан ғаллазорлар оралиғи ҳам камида тўрт метр кенгликда шудгорланади.

Ғаллакорларнинг вақтинчалик дам олиш, овқатланиш, чекиш жойлари ғаллазорлардан камида 100 метр узоқликка жойлаштирилади. «Чекиш жойи» ёзув билан таъминланиши лозим. Буғдойзорлар яқинида чекиш, очиқ оловдан фойдаланиш, таъмирлаш ишлари олиб бориш қатъиян таъқиқланади.

Буғдойни қуритиш, вақтинчалик сақлаш хирмон ҳамда омборлари ғаллазорлардан 100 метр, бино ва қурилмалардан 50 метр узоқликда бўлиши керак. Уларнинг атрофи ўт-ўланлардан тозаланиб, тўрт метр кенгликда шудгорланади. Хирмонларда ҳар 200 квадрат метр майдонда битта кимёвий ўт ўчиргич (ОХП-10), битта 200 литр ҳажмли бочкада сув, челак бўлиши шарт. Комбайн ва бошқа транспортларнинг айланувчи қисмлари сомон ва хашакдан мунтазам тозалаб турилиши лозим.

Транспортларга ёнилғи қуйиш учун махсус автоуловлардан фойдаланилади. Ёнилғи қуйиш пайтларида двигателлар ўчирилган бўлиши шарт. Тунги пайтларда ёнилғи қуйиш ман қилинади.

Дам олиш вақтларида комбайнлар ғаллазорларда қолдирилмаслиги, балки махсус тайёрланган майдонларга қуйилиши керак.

Ўрим мавсумида кўнгилли ўт ўчирувчилардан кузатувчи навбатчилар тайинланади. Дала шийпонлари ёнғиндан хабар берувчи воситалар, ишора ёки занг чалиш анжомлари билан таъминланиши лозим. Азиз ҳамюртлар, пешона тери билан етиштирилган риск-рўзимизни нес-нобуд қилмасдан, ёнғинга бой бермасдан йиғиштириб олишда барчамиз масъулиятни унутмайлик.

Носир ИСРОИЛОВ, Тошкент вилоят ИИБ ЁСБ бўлими бошлиғи, ички хизмат майори.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Мустақил мамлакатимиз маданий ҳаётида улкан воқеа -- XII Тошкент халқаро кинофестивали ниҳоясига етди. «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтган мазкур анжуман тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртимиз нуфузига нуфуз қўшди. Дунёнинг 32 давлати ва 8 халқаро ташкилотдан ташриф буюрган киноюлдузлари, маданият ва санъат намоёндалари ватанимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлардан воқиф бўлди. Айниқса, бетакрор чирой касб этаётган пойтахтимиз Тошкент, қадимий Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари меҳмонларда ўчмас таассурот қолдирди. Кино арбоблари ўзаро тажриба алмашди, бир-бирларининг ижодий ютуқларидан баҳраманд бўлди.

29 май куни пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Тошкент киноанжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Уни XII Тошкент халқаро кинофестивали Бош директори Темурмалик Юнусов очар экан, мазкур анжуман муваффақият билан ўтгани ва у чинакам дўстлик байрамига айланиб кетганини таъкидлади.

Фестиваль ҳайъати раиси, машҳур адиб Чингиз Айтматов танлов ғолибларини эълон қилди.

Бош соврин -- «Олтин хумо» Жанубий Кореялик сценарий муаллифи ва режиссёр Пак Чуль Сунинг «Алвидо, азизам» фильмига берилди. Энг яхши аёл роли учун таъсис этилган «Олтин лола» соврини хитойлик Си Ми Чуан («Якка дарахт») ва Озарбайжонлик Аян Мирқосимовага («Ўзгалар вақти») насиб этди. Энг яхши

эркак роли учун белгиланган «Олтин арча» совринига россиялик Евгений Матвеев («Русчасига севиш-2») сазовор бўлди. Қозоғистонлик режиссёр Ардад Амирқуловга «Абай» фильмида миллий мавзуни теран ёритгани учун «Семурғ» соврини топширилди. Ўзбекистонлик режиссёр Қамара Камолованинг «Атроф оппоқ қорга бурканди» фильмидаги илк роли учун ёш актриса Раъно Шодиева ЮНЕСКОнинг совринини олди. Халқаро ҳайъатнинг махсус соврини -- «Нексия» автомашинаси эса «Буюк Амир Темур» (Ўзбекистон) фильмини суратга олишдаги операторлик санъати учун Рифқат Иброҳимовга берилди.

Тантанада сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов йиғилганларни анжуман муваффақиятли якунлангани билан табриклаб, фестиваль қатнашчиларига, барча меҳмонларга миннатдорлик билдирди. Қизғин олқишлар остида ҳайъат аъзоларига эсдалик совғалари топширди.

Муҳташам зал бўйлаб фестиваль мадҳияси янграб, соврин эгалари анжуман байроғини туширади.

Йиғилиш сўнгида анжуман бош совринига сазовор бўлган «Алвидо, азизам» фильми намойиш этилди.

Тантанали маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

(ЎзА).

ЯНА КЎРИШГУНЧА, ХАЙР !

XII ХАЛҚАРО Тошкент кинофестивали саккиз кун давом этди, кувончли учрашувлар, дўстона мулоқотга бой бўлди.

Анжуманимиз экран санъатининг истиқболлари тўғрисида, кино назариясининг тараққиёти хусусида мулоҳазалар юритиш маъносида ҳам қизиқарли ва эътиборга моликдир.

Фильмлар томошаси, самимий суҳбатлар, ижодий мунозаралар, картиналарнинг муайян мамлакат маданий ҳаёти билан уйғун эканлиги таҳлилий фикрлар — буларнинг ҳаммаси кинематографчиларнинг ўзаро бир-бирларини яхши тушунишга, кино асарларга холис баҳо беришга кўмаклашиб қолмай, шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг табрикономасида айтилганидек, «Мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ўзаро боғлашга, яқинлаштиришга, ер юзида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бир вақтлар уч қитъа киноси вакилларининг ижоди билангина чегараланиб қолган анжуман бугунги кунга келиб нуфузли умумжаҳон кинофестиваллари қаторидан жой олганлиги ғоят мароқлидир. Бу йилдан бошлаб фестивал совринлари сони ва миқдори ошганлиги, пулли мукофоти, энг яхши тасвирчи учун «Нексия» автомобилининг берилиши мустақил Ўзбекистонимиз кино анжуманларни ўтказишда хорижликлардан сира ҳам қолишмайдиган даражага кўтарилганлигидан дарак беради. Бундай ҳолатларни XII ТХКФ меҳмонлари ҳам самимият билан эътироф этдилар.

— Бизнинг кино анжуманларимиз тарихида умумий томонлар кўп, — деди Осиё қитъасида 1966 йилдан бери ўтказиб келинаётган Деҳли кинофестивалининг расмий вакили Ражив Жейн. — Иккалови ҳам танловсиз анжуманлар тарзида бошланган ва кўп йиллар давомида киноарбоблар ва томошабинларни энг оммабоп санъатлардан бири бўлмиш янги кино асарлари билан таништириб келган. Иккала кино анжуманининг халқаро обрўси юқоридир. Ҳар иккаласи ҳам ўз таркибига ўзгартишлар киритди, ишига танлов туси берилди. Ҳар қайси фестивалнинг ўз хусусияти, ўзига хос томонлари бор. Бу ҳол фильм яратувчиларга ўз ижодлари салоҳиятларини намойиш этиш имконини бермоқда.

Деҳли фестивали ҳар йили ўтказилади. Бир сафар танлов асосида ўтса, иккинчи сафар танлов бўлмайди. Бир йили Деҳлида, кейинги йили Ҳиндистоннинг бошқа шаҳрида ташкил қилинади.

Бу сафарги Тошкент фестивали жуда ажойиб бўлди. Тошкентда ўзимни худди уйдагидек ҳис қилдим. Одамлардаги очиқ кўнгиллилик, самимият, меҳмондўстлик кишини қувонтиради. Кино анжуманининг очилиш маросими менда жуда катта таассурот қолдирди. У ёрқин байрамнинг ўзига хос дебочаси бўлди, десам янглишмайман. Бу анжуман тажрибасидан биз, албатта, ўз фаолиятимизда кенг фойдаланамиз.

Ҳа, чиндан ҳам фестиваль муваффақиятли ўтди. Ижодий мусобақада иштирок этиш, ўз маҳоратлари, қобилиятларини намойиш қилиш, келгуси ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олиш учун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган киносанъаткорларни Тошкент ўн иккинчи маротаба ўз бағрига олиб, мана бугун улар билан хайрлашмоқда. Тилагимиз: анжуманимиз бундан буён ҳам янада юксак поғоналарга кўтарилиб, унинг нуфузи тобора ортаверсин. Канн, Нант, Деҳли, Венеция каби жаҳондаги кўплаб кинофестиваллар сингари доимий ишловчи дирекциясига эга бўлиб, халқ севган оммабоп санъатнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаверсин. Умуминсоний тараққиётни миллий мавзелар ила бойитиш, уйғунлаштиришдан иборат бўлган асосий вазифаларга киноижодкорлар ҳамиша содиқ бўлиб қолаверсинлар. «Хайр азизлар! Яна Тошкентда учрашгунча!»

Миржалол МИРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг меҳмонлари ва иштирокчилари шарафига Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан уюштирилган қабул маросими сермазмун ва таассуротларга бой бўлди.

Суратларда: *ушбу тантанадан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.*

Сўз фестиваль қатнашчиларига

МИТИАС АЛЛАРИ, режиссёр (Германия)

Мен яратган фильмлар Нью-Йорк, Париж, Каннда намойиш қилинган. Тошкент шаҳрига илк бор ташриф буюрдим. Менинг «Севги, ҳаёт ва ўлим» фильмим ҳам бу ерда биринчи бор кўрсатилди.

Тошкент кинофестивалида бир қатор фильмларни кўришга муваффақ бўлдим. Мен учун кинонинг кашф этилмаган қирралари очилди. Янги дўстлар орттирдим. Тошкент анжумани дунё бўйлаб эзгулик уруғларини сочаверсин ва мавқеи янада юксалсин!

АБЕ ХЕРОШИ, актёр (Япония)

Кинофестивалнинг ахборот намойишида қатнашган «Шамол тинганда» фильмида мен уч асосий қаҳрамонлардан бирини талқин этдим. Фильмдаги лавҳалар бундан минг йил аввалги ҳаётни акс эттиради. Мазкур фильм инсон ҳаёти ва энг олий туйғу — муҳаббат ҳақида ҳикоя қилади.

Бу ерга келгунга қадар, мен кўҳна ўлкангиз тарихи, урф-одатларини абадий манбалардан ўргандим. Ўзбекистонга ташрифим, менга оламолам қувонч бағишлади. Кино мухлисларингиз мени юлдуз даражасига олиб чиқишгандан бахтиёрман.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● **ТАСИС** дастурининг бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида Ўзбекистон ва Словакия тадбиркорлари иштирокида икки кунлик иқтисодий анжуман уюштирилди. «Ушбу конференция Президент Ислом Каримовнинг жорий йил январида Словакияга қилган расмий ташрифининг амалий самараси бўлди», – деди Словакиянинг Ўзбекистондаги муваккат ишлар вакили Йозеф Мачишек.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамкорлигида Америка – Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП) ташаббуси билан «Ўзбекистон – Марказий Осиёда хорижий сармояларни жалб этиш марказаси» мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларароҳ тадқиқотлар институтида АҚШнинг «Атлантика кенгаши» ноҳукумат ташкилоти делегацияси билан учрашув бўлди.

● **ШУ ЙИЛ** 13-20 июнь кунлари ЮНЕСКО қарорига биноан Францияда Ўзбекистоннинг 2500 йиллигини нишонлаётган Бухоро ва Хева шаҳарлари ҳафталиги ташкил этилади. Ушбу ҳафталикни ўтказиш ташкилий комиссиясининг куни кеча бўлган мажлисида тайёргарлик ишлари муҳокама этилди.

ҚАРСАКЛАР САМИМИЙМИКИН?

Ушбу ҳафтанинг сешанба куни, шубҳасиз, тарих солномасига алоҳида саҳифа бўлиб киради. Ўша куни Франция пойтахтида Россия билан НАТО ўртасидаги муносабатларга тааллуқли асосий ҳужжатга имзо чекилди.

«АСОСИЙ тамойиллар далолатномаси» деб аталган мазкур шартномага Россия президенти Б. Ельцин, НАТО бош котиби Х. Солана ҳамда Шимолий Атлантика Уюшмасига аъзо бўлган бошқа 16 давлат раҳбарлари қўл қўйдилар.

Лекин, Асосий тамойиллар далолатномасига олиб келувчи йўл осон бўлмади. Россия, АҚШ, Франция президентлари, Олмония канцлери, Англия бош вазири, шунингдек, бошқа давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан телефонларда неча бор фикр алмашувлар бўлди. НАТО Бош котиби Х. Солана, Россия ташқи ишлар вазири Е. Примаков, АҚШ давлат котиби М. Олбрайт кабилар бир неча ойдан бери тиним билмадилар. Ўзаро мулоқотлар, бирбирига қилинган сафарлар натижасида Далолатнома бир қадар ҳаммага қулай ҳолатга келтирилди.

Бизнинг шарҳ

Аммо, бу — НАТО билан Россия ўртасидаги барча муаммолар ҳал этилди, дегани эмас. Ҳамон Россия НАТОнинг шарқ томонга кенгайишига тиш-тирноғи билан қарши чиқмоқда. Устига-устак Б. Ельцин Париж сафари арафасида «агар собиқ СССР таркибига кирган республикалар НАТО сафига қабул қилингудек бўлса, Россия шунга яраша жавоб чоралари кўради. Натижада у ўз нуқтаи назарини ўзгартириши ҳам мумкин», деб айтди. Бу чиқиш ўз навбатида Шарқий Овруподаги НАТОга номзод мамлакатлар, шунингдек, Болтиқбўйи республикаларининг «қитиғига» тегди. Улар бу гаплар бизнинг мустақиллигимизга даҳлдор бўлаяпти, деб норозилик билдирдилар.

Қисқаси, Россия билан НАТО ўртасидаги муносабатларга, бу муаммо атрофидаги чигалликларга нуқта қўйилди, деб бўлмайди. Б. Ельциннинг қўл қўйиш маросимида Россиядаги ядровий ракеталардан навбатчи каллакларни олиб ташлаш ҳамда НАТОга аъзо мамлакатлардаги аниқ жойларга мўлжалланган тархларни йўқотиш борасидаги ташаббуси ҳамманинг ёқа ушлашига сабаб бўлса керак, деб тахмин қилинган эди. Аммо, кутилган ҳолат юз бермади. НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг ҳарбий маҳкамасидаги мутахассислар бу «юриш»нинг орқасида қандай муддао турганлигини аниқлаш учун айни кунларда обдон бош қотирмоқдалар.

Елисей саройида чалинган мамнунлик чапаклари овози ер куррасининг узоқ-узоқ жойларигача етиб борди. Аммо, қарсаклар, чеҳралардаги табассумлар қанчалик самимий эканлигини яқин келажак кўрсатади.

ҲИБСХОНАДАН — ПРЕЗИДЕНТЛИККА

АФРИКА қитъасининг жанубидаги Съерра-Леонеда давлат тўнтариши бўлганлиги ҳам жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмади. Ахборот маҳкамалари шарҳчиларининг ёзишларига қараганда, қуролли кучлар инқилобий кенгаши деб аталган ташкилот бу ишга маҳфий равишда жиддий тайёргарлик кўрган экан. Тунда бошланган тўс-тўполон узоққа чўзилмади. Мамлакатнинг асосий давлат аҳамиятига эга бўлган идоралари бир зумда қамал қилинди. Нуфузли арбоблар ва сиёсатчилар зудлик билан қамоққа олиндилар. Қурбонлар ҳам кўп эмас. Ҳозирча, 15 нафар кишининг ўлганлиги, 60 нафар кишининг ярадор бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Давлат бошига келган Қуролли кучлар инқилобий кенгашининг раиси, майор Жонни-Поль Корома исён давомида ҳибсхонадан бўшатилди. У давлат тўнтаришидан сал аввалроқ қуролли кўзғолонга бошчилик қилгани учун қамоққа олинган эди.

Съерра-Леонининг қонуний президенти Аҳмад Кабба қўшни Гвинея республикасининг пойтахти Конакрига қочиб кетди. Эндиликда у исёнчиларга нисбатан қаттиққўллик ва шафқатсизлик қилмаганлиги учун ўзини-ўзи қойимоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● **ЛИТВАНИНГ** Шяуляй шаҳри шу кунларда одамлар оғзидан тушмай қолди. Чунки, бу шаҳарга сўнгги пайтларда ўзга сайёралардан келган «меҳмонлар» тез-тез ташриф буюрмоқдалар. Жуда кўплаб шаҳарликлар Шяуляйнинг Хочлар фиғони деган жойида НУЖларнинг парвоз қилиб юрганликларини кўрганлар.

● **ЯҚИНДА** Ростов шаҳрида антиқа бир операция ўтказилди. Буюк Британиядан келган стоматолог Питер Керпес ва анестезиолог Жон Льюис етти яшар даҳшатли Линнарс лақабли йўлбарснинг тишини даволадилар. Чунки, у бу дардга ёшлигида йўлиққан эди. Операция, албатта, наркоз остида ўтказилди.

● **БИРЛАШГАН** Араб Амирликлари пойтахти Дубай тайёрагоҳидан осмонга кўтарилган Озарбайжон юк тайёраси 18 дақиқадан сўнг қайта қўнишга мажбур бўлди. Чунки, у орқадаги иккинчи эшикни ёпмасдан осмонга кўтарилган экан. 3,5 тонна юк хароб бўлди. Озарбайжонлик учувчилар миршаблар томонидан ушланди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Вобкентлик хонанда».
9.00 «Замин фидойилари». Тележурнал.
9.30 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Шоҳсанам». Хоразм Давлат кўғирчоқ театрининг спектакли.
10.55 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
11.20 «Истиқлол чашмалари». Фильм-концерт.
11.55 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
12.30 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.20 «Ўзбекнинг дарвозаси». Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
18.35 Катталар учун эртак.
18.50 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.05 Хиванинг 2500 йиллигига. «Меҳр макони». 2-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Минг бир қўшиқ». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов.
22.00 Ёзув столидан репортаж.
22.20 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.40 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10— 00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Евровидение-97» қўшиқлар танлови. 1-қисм.
22.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фарғона — олтин водий», «Болакайлар орзуси».
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Дидар».
20.00 Эълонлар.
20.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
20.55 «Самшобло». Грузия Мустақиллиги кунига.
21.15 «Сўз—сизга».
21.30 «Авторейд».
21.40 «Ракурс».
22.10 «Спорт-тайм».
22.40 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.55 «Аёл».
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Катта танаффус» янгиликлари.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Излаган имкон топар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Она тили.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
11.55 «Пўлат тулпорлар».
12.25 «Доира оҳангида». Фильм-қонцерт.
12.45 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Бизнинг мактаб».
18.35 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Футбол. Франция-98.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр». Бастакор Толибжон Содиқов.
21.40 Н. Норқобилов. «Қўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
22.35 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
23.00 «Замон».
23.10 «Япония ҳақида ҳикоялар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.05 «Нафис мажлислар».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Минг бир қўшиқ». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов.
22.00 Ёзув столидан репортаж.
22.20 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.30 «Ватан тимсоллари».

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Инжиқ Мурод», «Узунқулоқ дўст». Мультфильмлар.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Евровидение-97» қўшиқлар танлови. 2-қисм.
22.45 «Келгинди». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.20 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
19.35 «ТВ IV каналида «Немис тўлқини».
19.55 Эълонлар.
20.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Истеъдодлар ва мухлислар».
21.50 «Бумеранг». Жаҳон атроф муҳитини муҳофаза қилиш кунига.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қувноқлар даврасида».
8.50 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
9.40 «Муқаддас манзил». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили».
*
12.10 «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
13.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Беодоб бола». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 Дилнавоз садолар.
19.00 «Сир».
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 Бухоро — 2500. «Бухорои Шариф».
22.00 «Автоолам».
22.15 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Спорт қитъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.00 «Зерикмай десангиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Игорь Моисеев балети». Мусиқий телефильм.
22.40 «Нафосат олами». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Чашма».
20.00 «Спортлото».
20.10 Эълонлар.
20.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.05 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.25 «Парвоз».
21.55 «Автосалтанат».
22.05 «Мезон».
22.25 «Нафосат гулшани».
22.55 «Экстремал ўйинлар».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «»Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон бойлиги».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фарзанд — умид юлдузи».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
*
11.30 «Умидларнинг этагида осилиб...». Т. Жўра.
12.10 «Оловудиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
13.30 «Оламни асранг». Жаҳон атроф муҳитини муҳофаза қилиш куни.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.15 ЎзТВ хазинасидан. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
18.25 «Олтин мерос». Қаюм ота Азимов.
18.35 «Катта танаффус». Телеўйин.
18.55 «Меҳрим сизники». Гулчеҳра Жўраева.
19.15 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 «Одобнома».
21.45 Н. Норқобилов. «Қўёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
22.40 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
23.10 «Билиб қўйган яхши».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Афросиёб» (Самарқанд) — ГФР. Олимпия терма жамоаси.
00.40 Тунги тароналар.
00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Нафис мажлислар».
10.30 «Мусиқий шарҳ».
10.40 «Акс».
11.00 «Авлодимиз».
11.15 «ТВ плюс...»
11.30 Фортепиано дуэтлар фестивали. 2-қисм.
11.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
12.00 «Зерикмай десангиз».
12.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.10—14.40 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 Кундалик.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Акаиро». Мультфильм.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Хартдаги уй». Бадиий фильм (АҚШ).
22.55 «Тошкент лавҳалари». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Айчурек».
20.25 «02» тўлқинида.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Эльдорадо». Телесериал.
21.15 «Жаҳон дурдоналари».
21.45 «Каталог».
21.55 «Эллада».
22.20 «Исроилга саёҳат».
22.40 «Интер-спорт».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
8.40 «Юзма-юз».
9.00 Болалар учун. «Мучал тўйи».
9.20 «Ишбилармон».
9.35 «Фан фидойилари». Устозни хотирлаб...
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Олов дамини даф этиб...»
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Биология.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм.
13.05 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.15 ЎзТВ хазинасидан. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нима учун?».
18.25 «Хуш келибсиз!».
18.40 «Эртага — шанба».
18.55 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 «Синфдош».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Йигит омон бўлса».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Қалб гавҳари».
22.00 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
22.20 «Тақдим».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — ГФР. Олимпия терма жамоаси.
00.40 Тунги тароналар.
00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Ҳавас ТВ».
9.55 «Қўшиқлар жилоси».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.50 Видео—»О».
12.25—12.55 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.30 Дилором наволар.
18.40 «Телевидение ва театр».
19.00 «Ханда дукони».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.40 Ёшлар дастури: «XXI аср авлодлари».
«Спорт қитъаси».
«Камолот».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15—00.25 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шаҳрисабз».Манзарали телефильм.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Чарльз Ансбакер.
21.50 «ТЭФИ-97». Телевидение соҳасида касб бўйича мукофотларнинг топширилиш тантаналари.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Қанотлар».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Эльдорадо». Телесериал.
21.20 «Бу бўстон аро».
21.50 «Латофат».
22.10 «Уй остонадан бошланади».
22.40 «Чинор».
23.10 «Кузги вернисаж».
23.30 Араб эстрадаси.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фароғат опа».
9.00 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шоҳруҳ клуби».
10.30 Болалар учун. «Орзу».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.00 «Ватанпарвар».
11.25 «Ҳамшира-97».
11.45 «Ёшлар билан».
12.25 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадиий фильм.
13.55 «Халқ ижодиёти». Қодир Раҳим.
14.25 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
14.55—15.55 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Ранглар жилоси».
18.30 «Машрабхонлик».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 36-қисм.
22.35 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.20 «Раисбек». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 Дилором наволар.
9.25 «Телевидение ва театр».
9.45 «Ханда дукони».
10.05 «Сизлардан ишорат».
10.35 Ёшлар дастури: «XXI аср авлодлари».
«Спорт қитъаси».
«Камолот».
11.20 «Кинонигоҳ».
12.50—13.50 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Қулги дарғалари».
19.10 Дубляж.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Видео—»О». Патрик Суэйзи «Йўлбарс» лақабли киши» мело-драмасида.
23.50—24.00 «Даракчи».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.55 — 22.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
23.40 — 23.55 «Қўқонлик уста». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Уч мушкетёр». Бадиий фильм. 2-серия.
10.50 Эълонлар.
10.55 Шанба эртаги.
11.55 «Спектаклдан сўнг».
12.20 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.05 — 13.25 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинонинг олтин асри. «Кондор». Бадиий фильм.
22.10 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.15 «Салом, Франция!».
22.45 «Чинсен».
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Бугун якшанба дастурида».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
9.40 «Мультолам».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Болалар дунёси».
11.15 «Бэмбининг болалиги». Болалар учун фильм.
12.30 «Пойинтар-сойинтар».
12.40 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 36-қисм.
13.15 «Сохибжамол ва Махлуқ». Мультфильм. 2-қисм.
14.00 «Умид учқунлари».
14.20 «Катта танаффус». Телеўйин.
14.40 «Келгуси ҳафтада».
14.55 «Мусиқа салтанати».
15.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 12-серия.
16.05 «Жараён».
16.20 «Эгиз қўшиқлар».
16.40 Ўзбекистон спорти.
16.55 «Турфа олам».
17.10 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 5-серия.
18.00 «Тақвим».
*
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.30 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бу мунис лаҳзалар».
21.25 «Шаҳс ва бахс».
21.50 «Келгуси ҳафтада».
22.05 «Менинг ҳам ўз овозим бор».
22.25 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири. Финал.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ҳафтанома».
23.30 Тунги сеанс. «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
00.30 Тунги тароналар.
00.40 «Тақвим».
00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40—13.20 Видео—»О».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «Табиат шифохонаси».
18.55 «Умрбоқий мерос».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мафтункор чеҳралар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 Видео—»О».
23.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
24.00 «Мухлис ТВ-2».
00.15—00.25 «Даракчи».

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.10 — 21.55 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.55 Эълонлар.
22.00 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.50 — 23.15 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсе?».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Жонли сайёра».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 Киносалон. «25 центлик танга». Бадиий фильм.
14.15 «Мусиқий Олимп».
14.35 «Афоня». Бадиий фильм.
16.10 «Шу куннинг мавзуси».
16.25 Кундузги сеанс. «Қуткариш командаси». Бад



Митти ёқутчалар

ЁМОНЛИК

ҚИШ КУНИ. Кеч бўла бошлаганди. Бир йигит йўлда кетаркан, унга катта бир ўрмон ичидан ўтишга тўғри келиб қолди. Ўрмон қоронғи, қалин дарахтлар билан қопланган. Йигит ўрмон ичида юра-юра йўлни йўқотиб қўйди, адашди. У ҳушидан кетиб йиқилди. Бир оздан кейин очлик ва совуқ таъсири билан ҳушига келиб кўзини очдию, ёнида уч кишининг турганини кўриб, кўркиб, нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Булардан биттаси ипак кўйлак кийган, белига олтин камар боғлаган, иккинчиси қора кўйлак кийган, қора камар боғлаган ва учинчиси эса ҳаворанг кўйлак кийган, қайишдан камар боғлаган эди.

Бу кишиларнинг ҳаммаси бирдан:

— Эй, йигит, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўрадилар.

Йигит титраб:

— Бекорчиман, ҳеч бир иш қилмайман, ўрмондан ўтаётиб адашиб қолдим, — деди.

У кишилар:

— Айт, биздан нима истайсан? — деб сўраган эдилар, йигит бу қўрқинчли ўрмондан қутқазишларини ўтинди!

Улар йигитга:

— Сенга бир йўл кўрсатувчи керак экан, қани, биримизни танлаб ол, қайси биримиз сенга йўлбошчилик қилайлик? — дедилар.

Йигит ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят ипак кўйлак кийган, белига олтин камар боғлаган, бой савдогар қиёфасидаги кишини танлади. У киши кулимсираб йигитни олиб кетди. Юрдилар-юрдилар, охири йигит чарчаб тўхтаб қолди. У киши:

— Нега тўхтаб қолдинг? Қани юр, ҳали анча юришимиз керак, — деган эди, йигит юришга мажоли қолмаганини айтди. Савдогар қиёфали киши ёнидан катта ўткир пичоқ олиб:

— Мана шу ўткир пичоқни ол, — деб уни йигитнинг қўлига берди.

Йигит ҳайрон бўлиб ундан:

— Менга нега пичоқ бердингиз? Бу пичоқни нима қиламан? — деб сўраган эди, у:

— Бу йўлдан ҳозир отга минган бир одам етиб келади. Сен у кишига ҳужум қилиб ўлдир. Кейин унинг отига миниб, ўрмондан чиқиб кетасан, — деди. Йигит у кишидан:

— Сиз ким бўласиз, отингиз нима? — деб сўраган эди, у киши айтди:

— Менинг отим — ёмонлик, кел, мен кўрсатган йўл билан юр, шогирдим бўл!

Йигит ёмонлар устозининг ярамас сўзларини эшитиб, жуда ҳам аччиғланди. Қўлидаги пичоқни ирғитиб юбориб, айтди:

— Кет, йўқол, мальун! Мени ярамас йўлга бошламоқчи бўласанми, сен кўрсатган ёмон йўлга юрмайман, — деб бақирдию, ўзидан кетиб, беҳуш бўлиб йиқилди...

БАЙТ: Ёмонларнинг сира пайванди бўлма,
Ҳаво бирла ҳаваснинг банди бўлма!

ҲИКМАТ: Аҳдида мустаҳкам ва барқарор турмайдиган, олдидаги мақсадни амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратини сарфламайдиган бепарво ҳамда лоқайд улуғ кишилардан кўра, доимо интилиш ва изланишда бўлган оддий кишилар афзалроқдир!

УМИДСИЗЛИК

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, йигит бир оздан кейин ҳушига келиб, қолган икки киши унинг ёнида турганини кўрди. Дарҳол қора кийим кийган, қора камар боғлаган кишига мурожаат қилиб, шу қоронғи ўрмондан чиқишга ёрдам беришини сўради. У киши йигитнинг илтимосини қабул қилгач, икковлари йўлга тушдилар.

Анча йўл юриб, бир жар ёқасига етиб келдилар. Йигит жуда чарчаган, юришга мадори қолмаган эди, ўша ерда тўхтаб, дам олмоқчи бўлди. У киши йигитнинг тўхтаб қолганини кўриб: «Нега тўхтаб қолдинг? Йўлимиз ҳали узоқ. Дам олишни истайсанми? Хўп, дам ол, мана шу баланд ердан ўзингни ташла, пастда роҳатланиб дам оласан», — деди. Агар йигит ўзини жарга ташласа парча-парча бўлиб кетарди.

— Сен кимсан? Отинг нима, бу қандай таклиф, менинг ўлишимни истайсанми? — деб ғазабланиб сўради йигит. У киши:

— Менинг отим — умидсизлик, сен ишсиз, ялқов йигитга ўхшайсан, ҳаётга умидсизлик билан қарайсан. Худди менбоп бир йигит бўлганинг учун сенга йўл кўрсатдим, кел, таклифимни қабул қил, — деб жавоб берди.

— Кет, йўқол, сенинг кўрсатган йўлингга муҳтож эмасман, мен яшашни истайман, ялқов эмасман. Мен чин йўлни кўрсатувчи олижаноб одамлар изидан бормоқчиман, — деди йигит...

БАЙТ: Ноумид бўлма, ўғил, ғайрат билан ишга кириш.
Бўл умидли, тинмай ишла, иззат, обрўга эриш!

ҲИКМАТ: Нокас ва бахил кишилардан яхшилик умид қилма. Ўзингдан улуғ кишилар билан ҳазиллашма. Улуғлар билан сўзлашганда сўзни узайтирма, ҳожатманд кишиларни қуруқ қайтарма, бировларнинг устидан эса фармонбардорлик қилма. Бировнинг яхшилигини яхшилик билан қайтар. Икки одамнинг ўртасида чақимчилик қилма!

ТЎҒРИЛИК

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, йигит бир оздан кейин кўзини очиб, у ёқ-бу ёққа қараганди, ҳаво ранг кийим кийган, белига қайиш қамар боғлаган бир киши унинг ёнида турганини кўрди. Аввалги икки кишидан яхшилик кўрмай юрак бағри куйган йигит, бу учинчи кишига ҳам ишонмай, унинг ёнидан қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин у киши мулойим товуш билан:

— Ўғлим, мендан қўрқма, бери кел, мен сени бу қўрқинчли ўрмондан олиб чиқиб, тўғри йўл кўрсатаман, — деди. Йигитнинг кўнгли ором олди. У кишининг ёнига келиб, салом бериб кўришди, сўнгра йўлга тушдилар. Тонг ҳам ота бошлаган эди. Ҳалиги йўлбошловчи киши ерда ётган узун ва йўғон дарахт шохини кўрсатиб:

— Бу шохни елкангга қўйиб ол, — деди.

Йигит шохни кўтариб олиб елкасига қўйди. Бир оз юрганларидан кейин қўрқинчли ўрмондан чиқиб, катта ва равон йўлга тушдилар. Йўлнинг бир томонида буюк ва гўзал сарой кўринди. Ҳалиги одам:

— Ўғлим, бу ўрмонни ва дарахт шохини унутма, шохни ерга ташлаб, саройга кир, барча мақсадинг ҳосил бўлиб, бахтли умр кечирасан, — деди ҳамда ўзи ўрмон томонга қараб кетди.

Йигит шохни ерга ташлаган эди, ерга бир қоп олтин сочилиб кетди. Йигит жуда ҳам ҳайратда қолди. Ҳалиги кишини чақириб:

— Оғажон, тўхтанг, очиқ, равшан йўлга солдингиз, сиз кимсиз? Отингиз нима? Бу қандай сарой? — деган эди, у киши ўрмон ичидан баланд овоз билан:

— Ўғлим, менинг отим — меҳнат, лақабим — саъй-ғайрат! Бу сарой «Меҳнат саройи» деб аталади. Бу гўзал саройга кириб, чин ихлос билан ишла, саъй-ғайратни қўлдан берма, меҳнатинг туфайли азиз ва мукаррам бўласан, — деб жавоб берди. Йигит севиниб «Меҳнат саройи»га кирди, унга бахту иқбол эшиклари очилди!

БАЙТ: Бахт — иқболу, саодат, эй ўғил, меҳнатдадир,
Саъй-ғайрат бирла ҳар ким ишласа, роҳатдадир!

ҲИКМАТ: Уч кишининг қадри уч ерда билинади: марднинг қадри жангда, мулойимлик қадри ғазаб пайтида ва дўстнинг қадри ҳожат тушган вақтида!

САБОҚ: УЧ ХИЛ КИШИГА, эй азиз инсон, билгилки яхшилик қилиб бўлмайди.Биринчиси, дангасага — улар экин ўсмайдиган тошлоқ ерга ўхшайди, унга қанчалик яхшилик уруғини экмагин, барибир кўкариб чиқмайди, яъни таъсир этмайди! Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг, буни тушуниш ўрнига, мендан қўрққанидан қиляпти, деб ўйлайди. Улар янада тумшуқларини кўтариб, кўпроқ нарса талаб қиладилар! Яна бири ахмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайди, унинг фарқига ҳам бормайди. Оқил ва доно кишиларга яхшилик қилмоқ эса савоб ҳамда олий хислатдир!

АЛҚИССА: Бўлса ҳар кимда агар ақлу закодан асар,
Қайси бир ишга киришса, тоғмагай асло зарар!

Баҳодир ВАЛИЕВ тайёрлаган.

МУРУВВАТ

СУРАТЧИ Даврон Аҳмад бу лавҳани Ўринбой Алимов хонадонида тасвирга туширган. Ўринбой ака Зангиота туманидаги 9628 нафар уруш ва меҳнат фахрийларидан бири. Фахрийларга катта ғамхўрлик кўрсатиб, ижтимоий ҳимоя қилиш «Нуроний» жамғармаси туман бошқаруви ва туман ҳокимлигининг доимий эътиборидадир. Яқинда жамғарма бошқаруви раиси Мирза Аҳмедов бир гуруҳ фаоллар билан бирга юқоридаги хонадон соҳибига ногиронлик аравачисини топширди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 52 йиллиги муносабати билан тумандаги 375 нафар уруш фахрийси (уларнинг 180 нафари биринчи ва иккинчи гуруҳ уруш ногиронлари) ҳолидан хабар олиниб, уларга совғасаломлар улашилди. Айни пайтда туманнинг «Бўзсув», Эркин, Назарбек, Хонобод, Зангиота қишлоқларидаги, Эшонгузар, Ўртаовул қўрғонлари ҳудудидаги ёдгорликларни тартибга келтириш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

спорт sport спорт

КУБОК ЎЙИНЛАРИ ҲАМИША ЖУМБОҚЛИ БЎЛАДИ

МАМЛАКАТ биринчилиги ўйинларидан кўра Кубок беллашувларида кутилмаган натижалар кўпроқ содир бўлади. Кучсиз командалар кучли жамоалар устидан, биринчи табақа вакиллари олий гуруҳ қатнашчилари устидан ғолиб келиб, мутахассису муҳлисларни таажжубга солади. Хусусан, мамлакатнинг тўрт карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари сафарда «Хоразм» клуби меҳмони бўлиб, ўйинни 2:3 ҳисобида бой бердилар.

Яна бир кутилмаган натижа Нукусда қайд этилди. Биринчи табақа иштирокчиси «Орол» «Пахтакор» билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. 61-дақиқада С. Ходиев пахтакорчиларни олдинга олиб чиққан бўлса-да, 80-дақиқада Муталлиев тошкентликлар дарвозасига жавоб тўпини киритди. Шунингдек Жиззахда «Сўғдиёна» клуби билан МҲСК жамоаси ўртасидаги ўйинда 2:2 ҳисоби қайд этилди. 84-дақиқада Р. Абдуллаев ўн бир метрлик жарима тўпидан фойдалана олмади.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида «Косонсой» футболчилари билан бўлган учрашувда йирик 5:1 ҳисобида ғалабага эришди. Мезбонлардан тўпларни Ф. Хабибулин, А. Матвеев, П. Кайгородов, А. Раҳимовлар киритди. Бешинчи тўпни «Косонсой» ҳимоячиси А. Азизов ўз дарвозасига йўллади.

Ўтган сешанба куни бўлиб ўтган нимчорак финал беллашувларининг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Бухоро» — «Атласчи» — 5:0, «Навбаҳор» — «Чилонзор» — 4:0, «Насаф» — «Трактор» — 2:0, «Андижон» — «Темирйўлчи» — 0:2.

ИККИНЧИ БЎЛИМДАГИ УЧ ТЎП...

БИРИНЧИ табақа қатнашчиларининг бўлиб ўтган навбатдаги ўн биринчи тур ўйинларида вилоятимизнинг икки вакили «Бўкалик» ва «Лочин» жамоалари ўзаро учрашдилар. Ҳар иккала команда ҳисобида 16 тадан очко бор эди.

Зангиоталиклар рақибларига қараганда бир ўйин кўп ўтказишганди. Бўкада бўлиб ўтган баҳсда ҳисобни майдон эгалари очган бўлса-да («Лочин» дарвозасига ягона тўпни А. Қосимов киритди) 1:4 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Танаффусгача вазиятни тенглаштирган «Лочин» ҳужумчилари иккинчи бўлимда яна учта тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Бу ғалабадан сўнг «Лочин» 19 очко билан турнир жадвалининг тўртинчи поғонасига кўтарилиб олди. «Бўкалик» эса тўққизинчи ўринга тушиб қолди. Пешқадам «Темирйўлчи»нинг «Шўрчи» билан бўлган ўйини бошқа кунга кўчирилди. «Истиқлол» эса Бекободда «Металлург» билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Бекободликлар 10 учрашувдан сўнг 20 очко билан жадвалнинг учинчи поғонасини эгаллаб турибдилар. Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси бу турда дам олди. Ўтган ўнинчи турда эса сафарда «Хива» жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалабага эришганди. Ҳозирда чирчиқликлар 13 очко билан 13-ўринда боришмоқда. Қибрайнинг «Роҳат» клуби эса вилоятимиз вакиллари ўртасида энг кам очко тўплаган (10 учрашувдан 11 очко) жамоа бўлиб турипти.



РУСТАМНИНГ ГРОССМЕЙСТЕРЛИК БАЛИ

ШОХМОТ бўйича Ўзбекистон олий табақа иштирокчилари ўртасида ўтказилган навбатдаги биринчилик ниҳоясига етди. Чемпион охирги турда аниқланди.

Тошкентлик халқаро спорт устаси Рустам Қосимжонов ва янгийўллик Владимир Егинлар 9 тадан очко тўплаб, пешқадамлик қилишаётганди. Олтин медал эгаси тақдири ана шу икки шохмотчи ўртасида ўтказилган охирги кунги беллашувда аниқланди. Оқ донолар билан ўйнаган Рустам Қосимжоновнинг қўли баланддек туюларди. Бироқ Владимир Егин вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Рақиблар шунчалик эҳтиёткорона юриш қилдиларки, ўйин учун берилган вақт тугаб қолиб, ҳар икки шохмотчи цейтнот ҳолатига (вақт тақчиллиги) тушиб қолишди. Ана шундай қалтис пайтда рақибнинг хатосидан усталик билан фойдаланган Рустам Қосимжонов ғалабага эришди ва чемпионлик унвони ҳамда гроссмейстерлик балини қўлга киритди. 17 ёшли ТошДУ талабаси Р. Қосимжонов Франциядa ўтказилган йирик халқаро турнирда дастлабки гроссмейстерлик балини олишга муваффақ бўлганди. 14 ёшидаёқ катталар билан тенгматенг кураша олган ва республика биринчилигида бронза совриндори бўлган иқтидорли Рустам 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони ва жаҳон биринчилигининг бронза совриндоридир.

9 тадан очко тўплаган Владимир Егин ва Александр Ненашевлар иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди. Очколар коэффициенти жиҳатидан кумуш медал Владимир Егинга тегди. Ўтган йилги Ўзбекистон чемпиони ҳалқаро гроссмейстер С. Йўлдошев 7,5 очко тўплаб, олтинчи ўрин билан кифояланди.

Ходиса

ҲАЙРИЯТ!..

Олти ёшли Нурмуҳаммад сув четида балиқ тутаман деб энгашди-ю, оёғи сирпаниб кетиб каналга тушиб кетди. «Бўзсув» Кўприкбоши қишлоғидан ўтадиган қисмида сувнинг оқими шитобли. Катта канал бир зумда Нурмуҳаммадни ўз комига торта бошлади. 13 ёшлардаги опаси Муҳаррам ва шу атрофда ўйнаб юрган болалар саросимага тушишиб, катталарни ёрдамга чақира бошлашди.

Шу дамда Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар ўз-ўзини бошқариш йиғини ҳовлисида участка нозири, милиция лейтенанти Ботир Буламхўжаев аллаким билан гаплашиб турган эди. Бир аёл халлослаб келиб, каналга бола тушиб кетганлигини айтди. Б. Буламхўжаев ва унинг кетидан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўткир Маҳамадалиевлар сув бўйига югуришди. Бу дамда сув кичкинагина жуссали Нурмуҳаммадни оқизиб маймунжонлар шох ташлаб турган чакалак тагига олиб кириб улгурган, Нурмуҳаммад жон аччиғида маймунжоннинг тиканакли буталарига ёпишиб олганча турарди. Ботир ҳам, Ўткир ҳам ўзларини сувга ташлашди.

— Жиққа ҳўл бўлган уст-бош билан ҳаракат қилишим тобора оғирлаша борди, ҳолдан тойганимда Ўткир ака жонимга оро кирди. Қўлимдан болани олиб, қирғоқдагиларга узатиб юборди, — дейди Ботир Буламхўжаев.

Нурмуҳаммад совуқдан ҳеч нарсани сезмас, карахт ҳолга тушиб қолганди. Биринчи ёрдам кўрсатилгандан кейингина у ўзига келди.

Нурмуҳаммаднинг онаси Сабоҳатхон ва отаси Роҳатали Раҳматовлар болаларининг халоскорларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ, Қибрай тумани.

Об-ҳаво

КУНЛАР ЯНАДА ИСИЙДИ

Мана, ёз ойи ҳам бошланди. 31 май — 4 июнь оралиғида Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ёғингарчилик кутилмайди. Фақат айрим тоғли ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши мумкин. Кечалари ҳарорат 18-23 , кундуз кунлари 32-37 даража атрофида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ГИМНАЗИЯСИГА 1997-1998 ўқув йили учун ЎҚУВЧИЛАР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Гимназияга Республикамиздаги мактабларнинг 1-3 синфларини аъло баҳоларга тамомлаган, иқтидорли болалар ва қизлар қабул қилинади. Гимназияда ўқиш математика, чет тили, ЭҲМ ва бошқа фанлардан чуқурлаштирилган ўқув режаси асосида ўтказилиб, дарслар университет ўқув лабораторияларида ва кафедралардаги олий тоифали педагоглар томонидан олиб борилади.

Гимназия ўқувчилари учун университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида касбга йўналтирувчи тарбиявий ишлар, назарий ва амалий машғулотлар олиб борилади. Ўқитувчиларнинг меҳнат тарбиясига оид дарслар тажриба станциясида ўтказилади.

Ўқувчилар университетнинг замонавий спорт мажмуасидан, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш ва тиббий хизмат кўрсатиш жойларидан фойдаланадилар. Ўқувчилар 2 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Гимназияда ўқиш истагини билдирган ўқувчилар 1-20 июнь кунлари қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: гимназия директори номига ариза, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), саломатлиги ҳақида маълумотнома (Ф. N 063, 026 анкета), 1-3 синф табеллари, 6 та фотосурат (3 х 4 см. ҳажмдаги).

Танлов 20 июндан 25 июнгача қуйидаги фанлардан ўтказилади:

МАТЕМАТИКА (оғзаки),
ИНГЛИЗ ТИЛИ (оғзаки), ОНА ТИЛИ (ёзма).

Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчилар тўплаган баллари миқдорига қараб танлов асосида қабул қилинади.

МАНЗИЛ: *700140, Тошкент шаҳри, ТошДАУ (19, 83, 96, 129, 115, 167, 491-автобуслар ва 53-маршрут таксининг «Тошкент Давлат аграр Университети» шоҳ бекати.*

ТЕЛЕФОН: 63-96-43.

Бу турфа олам

БИЛГАНЛАРИМИЗ ҲАҚИДА БИЛМАГАНЛАРИМИЗ

«У болани овқатлантиради, кийимларини алмаштиради, олдида қўшиқ айтиб, рақсга тушиб беради. Телефонда гаплашаётганида ҳам, учрашувларда ҳам қўлида боласини ушлаб туради. Ёнида боласи ётмаса, ухлай олмайди». Дунёдаги энг ажойиб ота ҳақидаги бу гаплар ким ҳақида эканини билган америкаликлар ўз қулоқларига ишонмай қолишди. Чунки, юқоридаги гаплар Майкл Жексоннинг рафиқаси Дебби Роуига тегишли бўлиб, Дебби хоним отаўғил Майкларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида журналистларга бор ҳақиқатни айтиб берган эди.

* * *

Илк нашр қилинган вақтдан буён орадан ўттиз йил ўтган бўлишига қарамай, колумбиялик ёзувчи — Габриел Гарсиа Маркес қаламига мансуб «Танҳоликда ўтган юз йил» номли роман ҳали ҳамон янги рекордлар ўрнатишдан тўхтагани йўқ. Ушбу роман Аргентинанинг ўзидаёқ юз мартадан ортиқ нашр қилинган. Ҳозирги кунга келиб, «Танҳоликда ўтган юз йил» 40 дан ортиқ тилга ўгирилган. Унинг умумий сони 30 миллиондан ошиб кетган.

Маълумки, Габриел Гарсиа Маркес ўзининг энг машҳур романини ёзиб битиргач, кўлёзмани Колумбиядаги қарийб барча нашриётларга юборган, лекин уларнинг бирортасидан ҳам ижобий жавоб ололмаган эди. Шунда Г. Маркес кўлёзмани Аргентинанинг «Судамерикана» нашриётига юборган ва «чоп этсангиз чоп этинг, бўлмаса йўқотиб юборинг, мен бу романни бутунлай унутишни истайман», деган мазмунда хат ҳам ёзган. «Судамерикана» муҳаррири эса, асарни охиригача ўқимасдан туриб, уни нашр қилишга қарор қилган эди.

* * *

Бирлашган Миллатлар ташкилоти сайёрамиз аҳолиси ҳақидаги ҳисоботномани эълон қилди. Унда қайд этилишича, айни пайтда аҳоли сони бўйича Хитой биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бу мамлакатда бутун ер шари аҳолисининг 21,3 фоизи, яъни 1,234 миллиард киши истиқомат қилади. Шу сабаб, ХХР ҳукумати мамлакат аҳолиси сонини ҳозирги даражада ушлаб туриш учун зарур чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. Айни пайтда Хитойда «Бир оила — бир фарзанд» тамойили кенг йўлга қўйилган.

Хитойдан кейинги ўринларни 962 миллион ва 271 миллион аҳолиси билан Ҳиндистон ва Америка Қўшма Штатлари эгаллайди. Бундан ташқари, БМТ ҳисоботномасининг «Кўп аҳолили мамлакатлар» рўйхатидан Бразилия, Россия, Покистон, Япония ва Бангладеш давлатлари ҳам жой олган. Уларнинг ҳар бирида яшовчи аҳоли сони 100-200 миллион орасида.

(ЎзА).

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги Г. К. Оржоникидзе номли 7-ўрта мактаб томонидан 1992 йили Тоҳиржон Бурҳонович Турдиев номига берилган 027005 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қибрай туманидаги 15-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Арифжонова Нилуфар номига берилган А 441593 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Миробод туманидаги «Айдын» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Тел: 40-46-66.

Зангиота тумани ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг фаол қатнашчиси, «Наврўз» жамоа хўжалигининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси **Қучқорхўжа УМАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6